

**ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ “УНИВЕРСАЛ БАНК” АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Банк Уставига асосан Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган (электрон почта манзили - info@universalbank.uz, treasury@universalbank.uz) **Хусусий акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк”** Сизга **2018 йил 11 июнь куни соат 12-00 да Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар беради.**

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш учун банк акциядорлари реестри 2018 йил 28 май ҳолатига тузилган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга банк акциядорлари реестри 2018 йил 5 июнь ҳолатига тузилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Банк номини хусусий акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк”дан акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк”га ўзгартириш.
3. Банк уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
4. “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”, “Банк кенгаши тўғрисида”, “Банк бошқаруви тўғрисида”, “Тафтиш комиссияси тўғрисида”, “Ички назорат тўғрисида”, “Манфаатлар карама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги низомларни ва банкнинг 2018-2020 йиллар учун ривожланиш Стратегиясини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Йиғилиш қатнашчилари 2018 йил 11 июнь куни соат 11-00 дан 11-55 гача рўйхатга олинади. Акциядорлар ҳамда уларнинг вакиллари йиғилишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида қатнашади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар билан Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида танишишингиз мумкин. Маълумот учун Банкнинг Ғазначилик, қимматли қоғозлар ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар департаментига мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат учун телефон: (0-373) 229 – 82 – 29, ички рақам 1073.

Ҳурмат билан,

Бошқарув Раиси

З.Тўракулов